Mas'uliyati Cheklangan Jamiyat shaklidagi "DAVR" Auditorlik tashkiloti

Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«Поп донмахсулотлари» АЖ
раиси З.Юлдашевга

Буюртмачи: «Попдонмахсулотлари» АЖ.
Манзили: Поп тумани Хужаобод кишлоги Поп темир йул бекати.
СТИР: 200087242. Тел: 69 771 61 62.
Хисоб раками: 20210000800193358001. Поп Агробанк булими.

Аудиторлик ташкилоти: MCHJ shaklidagi "DAVR" auditorlik tashkiloti.
Аудиторлик ташкилотининг бош директори Нурматов Авазбек Ахмаджонович.
Ҳисоб раками: 20208000900208423001. МФО:00231. ДАТ "Асакабанк" Наманган бўлими.
СТИР: 200050179. ИФУТ:69.20.2. Тел: (0-369) 227-05-84.

Мен, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1993 йил 05 ноябрда рўйхатдан ўтган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2019 йил 05 апрелда берилган "Ўзбекистон Республикаси худудида аудиторлик фаолиятини амалга оширишга рухсат берувчи" № 00764-сонли лицензияга эга бўлган MCHJ shaklidagi "DAVR" auditorlik tashkiloti аудитори Хусайнов Соҳиббой Турсинович, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2017 йил 14 январда берилган №05462-сонли малака сертификати ва "Попдонмахсулотлари" АЖ билан 2020 йил 17 январь куни тузилган 1/14-сонли шартномага мувофик хўжалик юритувчи субъект "Попдонмахсулотлари" АЖ томонидан тақдим этилган, корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ҳақидаги ҳужжатлар, бош китоб, асосий воситалар ва материал ҳисоботлар, дебитор-кредитор қарзлар ва иш ҳаки ҳисоботлари, ишонч коғози китоби, бошланғич бухгалтерия ҳужжатлари ҳамда молиявий ва солиқ ҳисоботларидан иборат 2019 йил учун тузилган молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини мажбурий тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

"Попдонмахсулотлари" АЖнинг илова қилинган молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофик ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни такозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллар молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асос бўлади.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча, "Попдонмахсулотлари" АЖнинг 2019 йил учун тузилган молиявий ҳисоботлари бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттиради.

МЧЖ шаклидаги "DAVR" АТ бош директори: **А.Нурматов**

Аудитор: **С.Хусайнов**

2020 йил 10 март